

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**281 Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида**

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколоти-га эга бўлган органлар этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — бошқа барча расмий ҳужжатларга.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Конвенция депозитарийси — Нидерландия Ташқи ишлар вазирлигига апостиль қўйиш ваколоти-га эга бўлган органлар ҳақида билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;  
қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 5 июль,  
ПҚ-1566-сон